





## Ислом Нури

Маккадан эҳром боғлайди (Муттафақун алайҳ).

«... (Муттафақун алайҳ)»

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фақат масжиддан – яъни,  
Зул-Хулайфа масжидидан – эҳром боғлаганлар» (Муттафақун алайҳ).

### Шарҳ:

Макка – Аллоҳ таоло ҳаром – яъни, ҳурматли қилган шаҳар бўлиб, ҳаж ва умра мақсадида бораётган киши унга фақат эҳром билан кириши лозим бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мийқот ўринларини белгилаб бердилар, ҳаж ё умра қилувчилар ўша ўринлардан эҳромсиз ўтиб кетишлари жоиз бўлмайди, акс ҳолда ҳаж ё умралари нуқсонли бўлиб қолади.

### Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ҳар бир диёр аҳлига ёки ҳаж ва умра учун ўша ердан ўтувчиларга мийқотлар, яъни эҳром боғлаш ўринлари белгилаб қўйилган.  
Улар: Мадина аҳлига Зул-Хулайфа, Шом аҳлига Жухфа, Нажд аҳлига Қорнул-манозил – ҳозирда уни Сайл деб номланади – ва Яман аҳлига Яламламдир.
2. Ҳаж ёки умра қилувчи кишилар мазкур мийқотларда эҳром боғлашлари вожиблиги;
3. Ушбу мийқотлар ичкарасида яшовчи кишилар ўз уйларида эҳром боғлайдилар.